

2016 йил 22 апрель

«Шахрисабз вино-арақ» АЖ
таъсисчиларига

«Шахрисабз вино-арақ» Акциядорлик Жамиятининг 2015 йил учун тузилган молиявий
хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2007 йилнинг 24 декабрида 736-сон билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йилнинг 19 июнида берилган 00392 -сонли лицензияси эгаси, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROFI AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан «Шахрисабз вино-арақ» АЖ нинг 2015 йил учун тузилган молиявий хисоботини жамият билан 2016 йилнинг 04- апрель санасида тузилган 20-сонли шартномага асосан 2016 йилнинг 04-апрелидан 22-апрелига қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Текширув «Шахрисабз вино-арақ» Акциядорлик Жамиятига нисбатан мустакил хисобланган аудитор Муйдинов Э.Д (сертификат № 05113) томонидан амалга оширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий хисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий хисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «Шахрисабз вино-арақ» Акциядорлик Жамиятининг 2015 йил учун тузилган молиявий хисоботи аудитор хисоботида кўрсатилган камчиликлардан ташқари унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради ҳамда жамият томонидан 2015 йилда амалга оширилган молиявий-хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «PROFI AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори,
Аудитор



Муйдинов Э.Д